БҮТҮН ДҮНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 178 (3916). | Чоршанба, 11 сентябрь 1968 йил. | Баҳоси 2 тийин.

АХБОРОТ

10 сентябрда Москвада СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси О. Черник ўртасида музокаралар бўлди.

Музокараларда Совет томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари М. Р. Кузьмин.

Чехословакия томонидан — ЧССР ҳукумати Раисининг ўринбосари Ф. Гамоуз, ЧССР ташқи савдо министри В. Валеш, ЧССР нинг Москвадаги элчиси В. Коуцкий ҳам қатнашдилар.

Музокаралар вақтида ҳар иккала давлатни ўзаро қизиқтирувчи бир қанча йирик иқтисодий масалалар муҳокама қилинди. Шу жумладан Совет Иттифоқидан Чехословакия Социалистик Республикасига газ, нефть, темир рудаси (окатишлар) ва бошқа товарлар, шунингдек Чехословакиядан Совет Иттифоқига газ узатувчи пўлат қувурлар, оғир юк кўтарадиган юк автомобиллари, ускуналар, трикотаж, пойафзал ва бошқа товарлар етказиб бериш тўғрисидаги масалалар қараб чиқилди.

Музокаралар натижасида СССР ҳукумати билан ЧССР ҳукумати ўртасида СССР дан Чехословакияга бир неча йиллар мобайнида табиий газ етказиб бериб туриш тўғрисида ва Совет Иттифоқи территориясида газ қувурлари қуришда ҳамкорлик қилиш ҳақида тузилган битим имзоланди. Бошқа иқтисодий масалалар юзасидан тузилган шартнома тегишли протокол билан расмийлаштирилди.

Шу куни КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси О. Черник ва ЧССР ҳукумати Раисининг ўринбосари Ф. Гамоуз билан учрашдилар.

Бу учрашув вақтида 1968 йил 23—26 августда Москвада бўлиб ўтган Совет-Чехословакия музокараларини ривожлантиришда сиёсий масалалар юзасидан кенг фикр айирбошлаш бўлиб ўтди.

Ҳар иккала томон шунга қатъий ишонч билдирадики, ҳозирги вазиятдаги асосий масала кўрсатиб ўтилган Москва музокараларида тузилган шартномадан келиб чиқадиган амалий вазифаларни изчиллик билан турмушга татбиқ этишдан иборат.

Совет Иттифоқи билан Чехословакия ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари, социалистик ҳамдўстлиги ва ҳаётини ҳамда мустаҳкамлаш, Варшава Шартномасининг самарадорлигини ошириш манфаатларини кўзлаб, социалистик ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат — тенг ҳуқуқлилик асосида кенг миқёсда ҳамкорлик қилишга тайёр эканликлари яна бир марта таъкидлаб ўтилди.

Совет—Чехословакия музокаралари ва учрашуви дўстона, ўртоқлик вазиятида ўтди.



«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг коллективи бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Шу кунларда дала меҳнаткашлари баракали хирмон кўтариш йўлида янада ғайрат кўрсатишмоқда. Кўсаклариниг тезроқ очилиши учун зарур бўлган барча чораларни амалга оширмоқдалар. Машиналар ишлайдиган картаниинг четлари деярли тозаланиб қўйилди. Ғўзалар шамоллатилмоқда. Машина юрадиган майдонлардаги бегона ўтлар юлиб ташланаяпти. Шу билан бирга ғўзани дефолиация қилиш ишлари ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Шунинг қувончлиги, бу ерда дефолиация қилиш ишлари табақалаштирилган ҳолда амалга оширилаётир. Самолётлар паст учиб, дорилаш ишларини сифатли бўлишига ҳаракат қилянтилар. Механизаторлар теримга агрегатларининг ҳаммасини ремонтдан чиқариб шай қилиб қўйдилар. Суратда (чапда): совхозниинг машҳур механизатори Ридван Чки, (ўнгда) дефолиация қилиш пайти.

А. Абалян фотолари.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

10 сентябрда Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига тайёргарлик ҳақида»ги «КПСС Марказий Комитети қарори ва Тошкент область партия ташкилотларининг вазифаси» тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов** доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари **Р. Н. Бобожонова**, Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари **Н. Қ. Қирғизбоев**, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **В. М. Муҳамедов**, Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлимасининг бошлиғи **Ш. Шоабдурахмонов**, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг секретари **Н. К. Савченко**, Тошкент қишлоқ хўжалик институти ўқув-хўжалигининг директори **Ф. Муталов**, Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари **О. У. Исҳоқов**, «Тоштекстильмаш» заводи слесари **С. П. Ерхов**, Тошкент область касаба союзлари Советининг секретари **А. В. Бранлов**, Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари **Ғ. П. Пўлатов**, 6-қурилиш трести бошқарувчиси **Б. А. Зайцев**, Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари **И. И. Ладушкин** ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала бўйича қарор қабул қилди.

Область партия комитетининг пленуми В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш тадбирлари планини тасдиқлади.

Пленум ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқди. Ўртоқ **У. А. Абдураззоқов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири вазифасидан озод қилинди. Ўртоқ **Ш. Н. Тошпўлатов** область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимини мудири. Ўртоқ **Н. А. Масленников** область партия комитети қурилиш бўлимини мудири қилиб тасдиқланди.

Пленум ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Г. А. Габриелянц, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси С. К. Зиёдуллаев, Ўзбекистон КП Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Т. Г. Зинин ўртоқлар иштирок этдилар.

(Пленум иши ҳақидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида босилади).

БОЛГАР ДЎСТЛАР, БАЙРАМ МУБОРАК!

Қардош болгар халқига ўзбекистон пойтахт области жамоатчилиги вакилларининг Болгарияда социалистик революциянинг 24 йиллигига бағишлаб 9 сентябрда Тошкентда ўтказилган тантанали йиғилишида ана шу табрик сўзлари янгради.

Йиғилишда доклад қилган Тошкент область партия комитети нинг секретари Ҳ. Р. Мусахонова ва йиғилишнинг бошқа қатнашчилари болгар халқи социалистик қурилишда қўлга киритган катта муваффақиятлар ҳақида, Ўзбекистоннинг Болгария Халқ Республикаси билан дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳақида зўр мамнуният билан гапирдилар. Улар Хасково округи меҳнаткашларига салом йўлладилар.

Йиғилиш қатнашчилари Софияга, Болгар-Совет дўстлиги умумхалқ комитети номига табрикнома йўлладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов қатнашди. (ЎзТАГ).

БИЗНИНГ РЕЖАЛАРИМИЗ

Бугун районимиз колхозларида, совхозларида бўлган киши беш йилликнинг учинчи йилида қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича зиммага олинган социалистик мажбуриятларни тўла ва ортиги билан бажариш учун астойдил меҳнат қилинаётганлигининг гувоҳи бўлади.

Меҳнаткашларни ана шу хайрли ишга сафарбар этишда, мўл ва арзон маҳсулотлар етиштиришда, пахта ҳосилининг баракали бўлиши учун олиб борилаётган курашда район ва қишлоқ Совети, унинг доимий комиссиялари, депутатлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. 58 минг аҳоли сайлаб қўйган 97 район Совети депутати, 471 қишлоқ Советининг депутати халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида авангард бўлиб, намуна кўрсатмоқдалар. Бу депутатларнинг қариб 50 процента колхозчилар ва совхоз ишчиларидир, 27 процентини деҳқонлар қаноти ҳисобланган дала гвардиячилари —шоли механизаторлар ташкил этади.

Ўзига 80 депутатни бирлаштирган район Советининг 10 та доимий комиссияси, 384 депутатдан иборат қишлоқ Советларининг 75 доимий комиссияси деҳқонлар орасида катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар.

Районимиз меҳнаткашлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил бел боғлашган. Улар беш йилликнинг учинчи йилида она-Ватанга 45 минг 500 тонна «оқ олтин», 11 минг 600 тонна дон, шундан 7840 тонна шоли етиштириш мажбуриятини олишган. Миришкор сабзавотчилар шаҳарлик бозорларга дастурхони учун 1045 тонна картошка, 3840 тонна сабзавот, 7250 тонна қовун-тарвуз ва 600 тоннадан ортиқроқ мева етказиб беришга аҳд қилишган.

Аҳдига содиқ районимиз пиллакорлари, галлакорлари, чорвадорлари хўжаликни юксалтиришда дастлабки муваффақиятларни қўлга киритишди. Бу йил районимиз давлатга пландаги 107,2 тонна ўрнига 109,8 тонна пилла топширди. Давлатга дон, гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари сотишда ҳам бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Эндиги бутун диққат ва эътибор барча майдонларда пахта ҳосилига ҳосил қўшиш, йиғим-теримга пухта ҳозирлик кўришга қаратилган.

Бу йил районимиз бўйича ялпи ҳосилнинг 80 процента «зангори кема»лар ёрдами билан териб олинади. Кенг, поёнсиз пахта майдонларида жавлон урниш керак бўлган мавжуд 552 та машинадан ҳозир 500 дан ортиги йиғим-теримга тахт қилиб қўйилди.

Шуни алоҳида қувонч билан қайд этиш керакки, район Советининг депутати Х. Ҳамроқулов, область Советининг депутати Э. Ҳатамов ўртоқлар ранслик қилаётган Ленин номли, «Победа» колхозларида, шунингдек район Советининг депутатлари Б. Мирзакаримов, Э. Тўрақулов ўртоқлар директорлик қилаётган 3-«Далварзин» ва Ойбек номидаги совхозларда пахта йиғим-теримига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриб қўйилди.

Шуянингдек, район Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган механизатор, Ленин номли колхознинг илғор звено бошлиғи Абдубашор Усмонов бошлиқ звено пахтакорлари ҳам баракали ҳосилга замин яратиб қўйишди. 1-«Далварзин» совхозининг 6-бўлимидаги илғор звенога бошчилик қилаётган район Советининг депутати М. Раҳимқулов деҳқончиликнинг тилини биладиган уста пахтакор. Раҳимқулов бошлиқ звено аъзолари 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» кўтариш учун курашмоқдалар. Улар ана шу ҳосилнинг 80 процентдан зиёдроғини «зангори кема»ларда йиғиб-териб олишга аҳд қилишган.

СОВЕТЛАР ВА ЙИҒИМ-ТЕРИМ

Пахта йиғим-теримига ҳозирлик кўришда айниқса «Победа» колхозида ташаббус кўрсатиб ишлаётган депутатларнинг роли катта бўлмоқда. Колхозда мавжуд бўлган 9 та терим машинаси ва бошқа зарур асбоб-ускуналар тахт қилиб қўйилди. Бу йил хўжалик далаларида терим машиналарининг икки сменада ишлаши учун барча шароит яратиб берилади.

Район ҳамда қишлоқ Совети депутатлари бошлиқ бўлган звено далаларида бўлган киши улар нинг олийҳиммат ишига, шижоатига балли дейди. Район Советининг депутати ўртоқ Ғ. Соликаева бошчилик қилаётган 1-«Далварзин» совхозидаги 4-бўлим далаларида мўлжалдагидан ҳам ортиқроқ ҳосил берадиган ғўзалар кўзларни қувантиради. Шу кунларда депутат бошлиқ аҳил бўлим ишчилари сўнгги парвариш ишларини олиб боришмоқда. Улар беш йилликнинг учинчи йилида 460 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан она-Ватанга 24 ўрнига 25 центнердан «оқ олтин» етказиб беришга, ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан териб олишга ҳаракат қилишмоқда.

Районимизда ҳозир 42 та депутатлар группаси иш олиб бормоқда. Бу группалар область, район ва қишлоқ советларига сайланган депутатлардан иборат.

Депутатлар группасининг аъзоси, Пушкин қишлоқ Советининг депутати Насриддин Асроров яқинда Навоий номли колхознинг 1-участка далаларини кўздан кечириб чиқди. Депутат ўзи аниқлаган камчиликларни участка бошлиғи Эсон Партойлоковга айтиб, фойдали маслаҳатларини берди. Участка аъзолари ўзаро дўстона берилган маслаҳатлардан тегишли хулоса чиқариб, ғўза парваришидаги йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатишди.

Район Совети ҳамда қишлоқ Советлари доимий комиссиялари ва унинг депутатлари йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб юборишмоқда. Улар беш йилликнинг учинчи йилида 460 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 24 ўрнига 25 центнердан «оқ олтин» етказиб беришга, ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан териб олишга ҳаракат қилишмоқда.

Районимиз бўйича доимий комиссиялар (раислари М. Олтмишов, У. Маҳмудов ўртоқлар) аъзоларининг яқинда ўтказилган йиғинларида худди ана шу масала муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Қарор ижроси эса ҳозир қадамбақадам кузатиб борилмоқда. Шу туфайли 3-«Далварзин» совхози билан 1-«Далварзин» совхози орасидаги тўрт километрлик катта йўлга асфальт ётқизиш қизғин олиб борилмоқда. «Победа» колхози марказидан Мичурин участкасигача бўлган йўлга ҳам асфальт ётқизилмоқда. 1-«Далварзин» совхози 4-бўлимининг кўпгина кўчалари текислаб қўйилган. Мавжуд кўприклар қайта ремонт қилинди.

Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот бўйича доимий комиссияси (раиси ўртоқ С. Ҳайдарова), аъзолари яқинда 1-«Далварзин» совхозидаги 2-қишлоқ касалхонасининг бош врачи А. Собиров ва 2-«Далварзин» совхозидаги касалхона бош врачи Л. Аҳмедов ўртоқларнинг пахта йиғим-теримига ҳозирлик кўришдаги ахборотларини эшитди. Йиғим-терим даврида дала меҳнаткашларига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида комиссия аъзоларига алоҳида участкалар бириктиб қўйилди. Бу депутатлар ўзларига ажратиб берилган участка аҳолисига кўрсатилаётган медицина, маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатиш сифатларини кузатиб боришади.

Шунингдек район маиший хизмат кўрсатиш комбинати, матлубот жамияти, маданият бўлими, алоқа ҳамда кинофикация бўлимлари, автобаза хўжаликлари коллективлари ҳам йиғим-терим кампаниясини ҳамжиҳатлик билан ўтказиш учун тегишли чоралар ишлаб чиқишди.

Район ва қишлоқ Советлари депутатлари кўрган бу тадбирлар беш йилликнинг учинчи йилида районимиз меҳнаткашларининг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажаришларини таъминлайди.

П. КУШЕРОВ,
Меҳнаткашлар депутатлари Бекобод район Совети ижроия комитетининг раиси.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ РАИСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раиси Олдржих Черник музокаралар олиб бормоқ учун 10 сентябрда Москвага келди.

Чехословакия Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида олий мартабали меҳмонни кутиб олмоқ учун Москва гарнизони қўшинларининг фахрий қоровули саф тортиб турди. СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари М. Р. Кузьмин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев, СССР ташқи ишлар министрлигининг бош секретари И. И. Земсков, СССР ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрлиги бўлимларининг мудирлари Е. И. Громов, Ф. Ф. Молочков ва бошқа расмий кишилар аэродромга келдилар.

Чехословакия Социалистик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси В. Коуцкий, СССРдаги ЧССР элчихонасининг дипломатик ходимлари, Совет ва Чехословакия матбуоти, радио ва телевидение вакиллари ҳам шу ерда эди.

Чехословакия ҳукуматининг бошлиғи тушган «ИЛ-18» самолёти ерга қўниб, аэровокзал биноси ёнига келиб тўхтайди. Фахрий қоровул бошлиғи рапорт беради. Иккала мамлакатнинг давлат гимнлари янграйди. О. Черник билан А. Н. Косигин фахрий қоровул сафини айланиб чиқадилар.

ЧССР Ҳукуматининг Раиси билан СССР Министрлар Советининг Раиси Чехословакия ва Совет байроқлари билан безатилган машиналарга ўтириб, шаҳарга — О. Черникка ажратилган резиденцияга йўл оладилар.

Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати раисининг ўринбосари Ф. Гамоуз, Чехословакия Социалистик Республикасининг ташқи савдо министри В. Валеш ва уларга ҳамроҳ бўлган кишилар ҳам О. Черник билан бирга Москвага келдилар.

(ТАСС).

КОЛХОЗДА ИҚТИСОДИЙ СЕМИНАР

КАТТА ХИРМОН ТАРАДДУДИ

Қишлоқ кўчаларида терим машиналарини гувиллатиб у ёқдан бу ёққа бориб келаётган механизаторларни кўрасиз. Улар ўзларининг «пўлат от»ларини катта пойгага тушишдан олдин совутмоқдалар. Колхоз далалари тепасида қишлоқ хўжалик авиациясининг самолетлари учиб юрибди. Дастлабки дори сепилган пайкалларда ғўза барглари қовжираб тўкилишга келган. Очилган кўсаклар пахтаси қуёш нурида ярқирайди. Шу кунларда қишлоқларга борсангиз ҳаммаянинг йиғим-теримга тайёргарлик кўраётганлигини, ўқариқлар текисланиб, уватлар тозаланаётганлигини, терим машиналарига йўллар равон қилинаётганлигини кўрасиз.

Колхоз бу йил 90 процент пахтасини машинада териб олмоқчи. Бу катта тадбирни муваффақиятли ўтказиш учун колхоз правленияси ва партия ташкилоти зарур бўлган барча чораларни ўз вақтида амалга оширмоқда. Улар ўзлари белгилаган тадбирларини колхозчилар, звено ва участка бошлиқлари, механик-ҳайдовчилар билан маслаҳатлашиб олиш учун яқинда колхозда иқтисодий семинар ўтказдилар.

Иқтисодий семинарда колхоз раиси И. Шубладзе йиғим-теримга тайёргарлиқнинг бориши, бу муҳим кампаниянинг қандай ўтказилиши, йиғим-терим вақтида меҳнатга ҳақ тўлашни уюштириш қандай амалга оширилиши, пешқадамларни рағбатлантириш тартиблари ҳақида батафсил гапириб берди.

— Бу йил колхозимиз, — деди у, — 90 процент пахтани машинада териб олишни мўлжаллаётган экан, бунинг учун ҳамма машиналар, кўрак териш, кўрак чувиш машиналари ўз вақтида тахт бўлиши, пахтани қоп-қанорсиз ташиб диган тележкаларни ҳозирлаб қўйиш шарт. Биз ҳозирги пайтда ана шу ишларни қилиб қўйдик, деб айтаоламиз. Етти юз гектар пахта майдонига эга бўлган Оққўрғон районидаги «Москва» колхози аъзолари бу йил 30 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олганлар. Колхозда тузилган 6 та агроучастка ва 17 та звенонинг далаларида ана шундай мажбуриятни қоплай оладиган ҳосил пишиб етилмоқда. Иқтисодий семинарда айтилганидек колхозда дефолиацияни ўтказишга алоҳида эътибор берилди ва шу кунгача ҳамма майдон бир сидра дефолиация қилиб чиқилди. Агротех совет аъзолари сепилган дорининг ғўза баргига таъсири қандай бўлаётганлигини кўриб чиқиб, айрим карталарга қайта дори сепиш лозимлигини айтдилар.

Далаларни машина теримига мослаб тайёрлаш, бегона ўтларни йўқотиш, машиналар айланадиган жойларни ҳозирлаб қўйиш, терим ялпи бошлангунга қадар ана шу жойлардаги ҳосилни йиғиштириб олиш шу кунлардаги муҳим иш эканлиги иқтисодий семинарда алоҳида таъкидланди.

Иқтисодий семинарда ташқаридан ёрдам олмаслик, ҳатто қишлоқ мактаблари ўқувчиларини ҳам пахта теримига сафарбар этмасликка қарор қилинди. Бунинг учун давлатга топшириладиган 2100 тонна пахтанинг 1700 тоннасини машиналарда териб оламиз деб айтилди. Ўнта звенода етиштирган пахтанинг ҳаммасини машинада териб олади.

Иқтисодий семинарда пахта теримида қатнашган звено бошлиқлари, механик-ҳайдовчилар, тўкилган пахтани териб оладиган колхозчилар ва механизаторларга ҳақ тўлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. ХТ машинасида ишлаганлар учун терим кормаси 60 тонна, ХВС да ишлаганлар учун эса 40 тонна қилиб белгиланди. Нормада белгиланган 60 тонна пахтани терган механик-ҳайдовчига ўзи оладиган ҳақига қўшимча равишда бир сўмдан қўшиб берилади. Агар звено бошлиғи шунча пахта терган тақдирда унинг маоши сақланган ҳолда қўшимча икки сўмдан ҳақ тўланади. Борди-ю, звено бошлиғи мавсумий норма — 60 тонна пахтани териб беролмаса қўшимча ҳақни ололмайди. Пахта ташувчиларга ҳам ана шу зайлда меҳнатларига қўшимча ҳақ тўлаш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари пешқадам механизаторларни тақдирлаш тадбирлари кўрилаётир. Юз тоннадан ортиқ пахта териб берган механизатор Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳатга юборилади. 80 тоннадан 100 тоннага етказиб пахта терган механизатор эса телевизор билан, 60 тоннадан 80 тоннага етказиб пахта терган механик-ҳайдовчи эса мотовелосипед билан мукофотланади.

300 тоннага етказиб пахта ташиган кишига телевизор берилади. Участкалар учун ҳар ўн кунда кўчма Қизил байроқ ва илғорларни мукофотлаш учун 50 сўм пул ажратилди.

Иқтисодий семинарда участка бошлиқларидан Аҳмад Ғафуров, Шомил Кибаров, Шароф Шоҳимардонов, Турсбек Бектоев, звено бошлиқларидан Илёс Айвазов, Тоштемир Маҳмудов, Амир Тўғузбоев, Муслим Тафиев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, бу йил ўз участкалари ва звеноларида 18—19 иш кунида пахта тайёрлаш мажбуриятини бажаришга сўз бердилар ва барча ҳосилни ўз кучимиз билан териб оламиз деб айтдилар.

«Москва» колхозининг азамат пахтакорлари ўз зиммаларига олган мажбуриятни 5 октябрда яъни 20 иш кунида бажаришга қарор қилдилар. Улар барча ҳосилни юқори сортларга топшириш, тўкилган пахталарни териб олишда одамларга терган пахтасининг миқдорига қараб эмас, тозаларнинг ерининг қанчалигига қараб ҳақ тўлашни жорий этиш муҳим эканлигини ва ўзлари ҳам бу йил ана шундай қилишларини билдирдилар. Шунингдек, илгариги йилларда бўлиб келган пахтани машина билан теришда группа бўлиб ишлаш номақбул эканлигини таъкидлаб бу йил ҳар бир звено ўз пахтасини ўзи машинада териб олишини маъқуллаб гапирдилар.

«Москва» колхози йил сайин юксалаётган ва хўжалиги тобора мустаҳкамланиб бораётган колхозлардан. Бу қишлоқ хўжалик артелининг меҳнатсевар, аҳил, бир-бирига дўст кишилари беш йилликнинг учинчи йилида ҳам катта ғалабаларни қўлга киритадилар ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига муносиб совға тайёрлайдилар.

С. МАҲКАМОВ,
З. МУҲАММАДЖОНОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

ЮБИЛЕЙ ОЛДИДАН

10 сентябрда, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ранслигида Алишер Навоий юбилейини ўтказувчи республика комитетининг мажлиси бўлди. Улуғ шоир ва мутафаккир туғилган кунинг 525 йиллиги шарафига бағишланган тантанали тадбирлар республикада шу йил 25-27 сентябрда ўтказилади.

Комитет мажлисида тантаналарга тайёргарлик тўғрисидаги ахборотлар тингланди.

Юбилей комитетининг мажлисида сўзга чиққан ўртоқлар республикамизда ана шу тантаналарга тайёргарлик юзасидан катта ишлар қилинганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ёзувчилар, рассомлар, санъат ходимлари Алишер Навоийга бағишлаб кўпгина янги асарлар яратдилар. А. Навоий асарларининг олти томи биринчи марта рус тилида нашр этилди. Маҳаллий, енгил саноат, савдо-сотиқ корхоналари ажойиб туҳфалар ва эсдалик совғалари тайёрладилар. Алишер Навоий номли адабиёт музейида пардозлаш ишлари тугай деб қолди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ офсет фабрикаси брошюра муқовалаш цехининг пешқадам ишчиси Х. Иноятова кунлик нормаларини доимо ошириб адо этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

КРАСНОЯРСКДАН ХАТ

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗЛАР

Шундай кишилар борки, улар илк кўришишдаёқ юрагингизга йўл топади. Мамбет Бердиев шундай кишилар тоифасидан эди...

У билан узоқ Сибирда, 640 километрлик газопровод қурилишида учрашдик. Бу совет газ индустрияси қурилишининг энг оғир участкаларидан бири. Ҳаммаёқ ботқоқ, муз, кўл ва дарёлардан иборат. Бу ерда йилнинг 250 кунида температура ноль даражадан ошмайди.

Газопровод магистрали Обь дарёсининг қуйи этагидан бошланади, тундра бўйлаб, Енисей дарёсини кесиб ўтади. Бу дарёнинг кенглиги эса баҳорда қирқ километрга яқин бўлади.

Ёзда бу ерлардан газопровод линияси ўтказиб бўлмайди, ботқоқдан машиналар ўта олмайди. Фақат қишда муз устида ишлаш мумкин. Бу ерлар, ҳақида шоирлар «Ёзда гул ўрнига музёрар кемалар гуркирар бунда» мисраларини тўқишгани бежиз эмас.

Мамбет ака бир неча йилдан бери шу жойларда ишлаяпти. У «зангори олов» трассаси қурувчиси касбини танлаганидан ҳурсанд. Ахир, одамларга нур ва иссиқлик етказиб бериш шарафли эмасми?

У онласи — умр йўлдоши ва ўғиллари билан Тошкентдан кўчиб келган. Гоҳида азиз шаҳрини эслаб қўяди. Айниқса Тошкент кечаси қандай чарогон эди! Тундрада эса чексиз қоронғулик багрида чироқлар милтираб қолади.

Бир куни қурувчилар олдига механизациялашган колоннанинг бош инженери келди:

— Муҳим топшириқ бор, азаматлар, — деди у, — Таз дарёси қирғоғига ўтиб, пойдевор қуришимиз керак. Аммо, айтиб қўяй: бу яқин орада ҳеч қанақа йўл йўқ. Ким ўз ҳаётини қўрқмасдан... — инженер сўзида тўхтаб қолди, — йўл бошлайман деса аввало ўзига ишониши керак...

Шунда инженер қаршисига Мамбет ака ва унинг ўғиллари Зоҳид билан Исоқлар келишди. Улар биринчилар қатори йўл очиш истагини билдиришди.

...Бир неча кун марказий базага йўл очиш билан банд бўлишди. Зарур ёқилғи запасини олиш керак эди. Базага йўл очиладиган куни радиограмма келиб қолди: «Пармалаш агрегатининг ёқилғиси тугади, двигателлар музлаш хавфи остида. Бир томондан озиқ-овқат запаси ҳам тугади».

Мамбет ака бир группа газ қурувчилар билан ўттиз километр наридаги геологлар экспедициясен ҳузурига жўнашди. Улар шу куни кечаси қайтиб келишди. Пристанда дарё қалқиб турарди. Салгина шамол турса бас, газчилар хўжалигининг сув остида қолиши ҳеч гап эмас. Барибир бу ердан кўчишга тўғри келди. Тўрт кун ҳавфсиз жойга кўчиш билан банд бўлдилар. Марказий базадан кўтарилган вертолёт овозини эшитиб газчилар қувониб кетишди. Ёқилғи, жиҳозлар, озиқ-овқат келтирилди.

Кечга томон газчилар кемаси муз парчасига урилиб, шикастланди ва ўғир бортни ога бошлади. Бирдан:

— Тревога! — янгради. Ҳамма қирғоққа тўпланди. Музёрар кема ҳали дарёни тозалашга улгурмаган эди. Баҳайбат муз парчаси шу ёққа силжиб келаётгани ҳақида ташвишли хабар берилди. Шошилиш керак, ҳамма нарса хавф остида.

...Қоронғуда ҳеч нарса кўринмасди. Мамбет ака чап ёқдан сувнинг шариллашини эшитиб қолди: жиҳозлар, озиқ-овқатлар трубадан тинимсиз отилаётган сув остида эди! У труба бўйлаб югура кетди. Этик сувга тўлди. Бортнинг тешик жойига аввал шапкасини, кейин курткасини босиб ўрди. Бу шалолага қарши челакда тупроқ отишдай гап эди. У қандай қилиб бортга кўксини босганини сезмай қолди. Юзига совуқ сув раҳмсиз урилар эди. Туриб бўлмади! Ниҳоят, елкасини тутди, оёқларини кериб олди. Қанча вақт шундай турди экан? «Ана, одамлар югуриб келяпти шекилли» ҳолсиз ўйлади у...

Палаткада Бердиевлар ўтиришибди. Ийқ, улар бу ерда ёлғиз эмас. Юзлаб, минглаб қаҳрамонлар тоғилади, бу ерда. Улар ҳам олисда қолган жонажон шаҳарлари, қишлоқларини, соғинишади. Аммо, улар Ватан бахт-саодати учун иссиқ ўринларини ташлаб бу ерга келишган. Мана, энди Ватанимизнинг энг шимолидаги Таз—Норильск газопровод қурилишида мардонавор меҳнат қилишяпти. Москва, Ленинград, Украина, Болтиқбўйи, Закавказье ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари қатори азм Тошкентдан келиб улкан Сибирь қурилишларида қатнашаётганларга балли!

Мамбет ака, ўғиллари Зоҳид ва Исоқлар ҳаётда ўз бахтини яратиш учун сўқмоқ очган Сибирь йўлчи юлдузларидир. Уларнинг оддий, камтарона меҳнати билан олис ўлка багри ҳароратга, нурга тўлади.

В. ЛОГИНОВ.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ

БУЮК ИНСОН

(АЛЬБЕРТ РИС ВИЛЬЯМС ЛЕНИН ҲАҚИДА)

1918 йилнинг апрели. Ленининг Москвадаги хонасида 34—35 ёшлар чамасидаги бир ажнабий ўтирибди. У диққат билан Ленин ёзаётган сатрларга қарайди.

«Америкалик ўртоқ Альберт Р. Вильямс орқали, — одатдагидек қоғоздан бошини кўтармай тез-тез ёзарди Ильич, — барча америкалик интернационалчи социалистларга ўз саломимни юбораман. Мен шунга қатъий аминманки, социал революция барча цивилизация мамлакатларида ғалаба қозонажак. Социал революция Америкада рўй берганида бу революция рус революциясидан анча ўзиб кетади».

Хатни ўзатаркан, Ленин ажнабийдан сўради:

— Хўш, Америкага қачон жўнаб кетмоқчисиз?

— Мен ҳали аниқ қарорга келганимча йўқ, — жавоб берди ажнабий.

— Агар Владивосток орқали кетмоқчи бўлсангиз, шошганингиз маъқул, бўлмаса Сибирда сизни Америка армияси кутиб олади.

Ажнабий бу гапларга ишонмагандай эди. Лекин шу йил июнидаёқ у Владивостокка америка матрослари туширилаётганини ўз кўзи билан кўрди. Кейинчалик эса бу ҳақда «Ленин башоратлари шунчалик кўп амалга ошардики, унинг келажакка бўлган қарашлари ҳамиша алоҳида қизиқиш туғдиради» деб ёзди.

Ҳа, Ильичнинг Америкадаги социалистларга саломини етказган бу ажнабий кейинчалик бутун умри давомида ҳам Ленин башоратларн амалга ошаётганининг жонли гувоҳи бўлди, умрининг охиригача Советлар мамлакатининг содиқ дўсти бўлиб қолди.

Альберт Рис Вильямс Ильичнинг энг зўр башорати — Россияда Октябрь социалистик революциясининг гувоҳи эди. Россияга журналист сифатида келган бу илғор фикрли америкалик буюк революция воқеаларида бевосита иштирок қилди. 1918 йилда эса Қизил Армия сафига кирди. Ленин маъқуллаши билан Интернационал легион ташкил этди.

Табийки, унинг Владимир Ильич билан бўлган учрашувлари ва суҳбатлари, Октябрь революциясининг арафаси ва дастлабки кунлари, ундан кейинги бўронли ойлар ҳақидаги хотиралари биз учун гоят қиймматлидир.

Бу саҳифаларда Ленин революциянинг доно доҳийси, унинг илҳомчиси ва бевосита раҳбари сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. Альберт Рис Вильямс Ильични стихияли халқ ҳаракати бўронига қўшилган ва уни йўналтирган онгли кучларнинг энг ойгиси, деб таърифлайди. («Янги Россия америкаликлар кўзи билан» китобидан. Бу асардан қуйида келтирилган айрим парчалар «Иностранная литература» журналининг 1967 йил май сонида босилган).

Ленинни у биричи бор 1917 йил 8 ноябрда Советларнинг II Бутун Россия съездида, Джон Рид (машҳур «Дунёни титратган ўн кун» китобининг муаллифи) билан биргаликда кўрганди. Бу учрашув ҳақида Джон Рид ҳам, Вильямс ҳам ажойиб сатрлар ёзишган.

Вильямс бу ҳақда шундай хотирлайди:

«Раислик қилувчи «Сўз ўртоқ Ленинга берилади» деб эълон қилган дақиқадан бошлаб, қалин мотодан тикилган, анча уринган костюмдаги кишининг бақувват, паст бўйли гавдасидан кўзимни узмадим. У қўлида бир даста қоғоз билан минбарга тез юриб ўтди ва залга ўткир қувноқ кўзлари билан бир қараб чиқди... Солдатлар, матрослар, ишчилар — съезд делегатларининг бутун жўшқин оммаси худди шундай диққат билан Ленинни кузатарди».

Вильямс Ильични революция доҳийси сифатида ҳам, уни энг инсоний инсон сифатида ҳам таърифлайди, биз америкаликлар учун Ленин бир топишмоқ, дейди.

«Ундаги ўзи бажараётган ролидан тамомила бегоналик (...) гоят оддийлиги ва ўзига ишончи билан уйғунлашган эди. Булар, албатта, бир медалнинг икки томони, халқнинг революцион ташаббусига чексиз ишонч билан боғлиқ бўлган икки хусусият эди. Бу ишонч унга ажойиб бир тарзда эркинлик ва мен қайта-қайта кузатганимдек, зўр қувноқлик бахш этарди.

1917—1918 йиллар қишидан то 1918 йил баҳорида Москвадан Владивостокка жўнаб кетгунимга қадар, ҳар гал Ленинни кўрганимда ундаги бу эркинликдан ҳайратга тушардим. Бу унга шахсан ўзи учун ҳар қандай қўрқувнинг тамомила бегоналигидан, унда ҳар қандай ўзини кўрсатишдан асар йўқлигидан ҳам дарак берарди. Оммага бундай ишонч, бироқ, унинг ўз олдида турган ҳар қандай масалага шахсан ўзи киришишига ва чуқур ёшириниб турган масалаларни излаб топишига тўсқинлик қилмаси. Бунда у ҳазил-мутойиба ва қувноқликка бўлган мойилликни тарк этмаси...»

Ленин ва унинг бошчилигидаги большевиклар партиясининг революцияни мустаҳкамлаш учун олиб борган шиддатли курашлари давомида бу курашларнинг жонли гувоҳи бўлган Альберт Вильяме қарашлари ҳам ўзгариб, унинг Россия революцион кучларининг пировард ғалабасига бўлган ишончи яна ҳам оша боради, ўзи ҳам шу кучлар томонида жанг қилишга қарор қилади.

Айниқса, Ленин билан бўлган учрашувлар большевиклар раҳбарлигидаги революцион кучларнинг Россияда ҳали дунё кўрмаган янги бир тузум — социализм қуришларига комил ишончни янада мустаҳкамлайди.

Ленин билан Альберт Рис Вильямснинг дастлабки шахсан учрашуви 1918 йил 1 январда рўй берди. Вильямсдан биринчи Социалистик армиянинг жангчилари олдида нутқ сўзлашни илтимос қилишди. Ленин ҳам революция солдатлари ҳузурида нутқ сўзлашини айтишди. Социалистик революциянинг шу биричи Янги йил байрами кунидаги воқеалар Вильямснинг хотирасида ўчмас из қолдирди.

11 йилдан буён фрезировкачи ўртоқ Самиг Усмонов пайтахтимиздаги 1-пойафзал фабрикасида намунали ишлаб келмоқда. Шу кунларда у беш йилликнинг учинчи йили топшириғини муддатидан илгари адо этишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Н. Тўраев фотоси.

МАШЪАЛ КОМБИНАТ

Бу йирик сут комбинатининг довруғи узоқ-узоқларга таралган. Ҳар куни эрта тонгданоқ ўнлаб машиналар комбинат дарвозаси олдида навбат кутиб туради.

Комбинатнинг қиймати катта. У ҳар куни марказлашган суттовар фермаларидан 90—100 тонна сут қабул қилиб олади. Пойтахтимизнинг кўлгина озиқ-овқат магазинлари, болалар боғча ва яслилари, ошхоналарни сут билан таъминлайди.

Бу меҳнатсевар коллектив уч йилдан буён республика кўлма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда. Яқинда коллектив беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли адо этаётгани учун пул мукофотига ҳам сазовор бўлди. Бу Бутуниттифоқ корхоналари ўртасидаги мусобақада ғолиб чиқиб, ҳам медаль ва ёдгорлик совғасига эга бўлди.

Цехлар ўртасидаги мусобақа ҳам яхши йўлга қўйилган. Бригадалар ўртасида эса мусобақа ғолибларига 200 сўмдан 500 сўмгача пул мукофоти таъсис этилган.

Шуниси қувончлики, комбинатда тозаликка қатъий риоя қилинмоқда. Коллективнинг Чилонзор район Қизил ярим ой жамияти томонидан бир неча бор фахрий ёрлиқ билан тақдирланиши бежиз эмас.

Аҳил ва меҳнатсевар коллектив бу ютуқларни янада мустаҳкамлашга интилмоқда.

Х. САМАТОВ.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

Тошкентдаги «Шарқ» мебель фирмаси коллективи ширин-шакар фарзандларимизни ўз маҳсулотлари билан қувонтирмоқда. Ҳозиргача 45 минг стол-стул республикамиздаги турли болалар боғча ва яслилари, колхоз-совхозларнинг дала шийпонларига жўнатилди.

Фирма меҳнатсеварлари Улуғ Октябрь социалистик революцияси байрамигача яна 18 минг жажжи стол-стул етказиб беришга аҳд қилишган.

Шу кунларда 1-цех тўла механизациялаштирилди. Эндиликда уй гарнитураси ишлаб чиқариш механизация воситасида бажарилмоқда.

Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллигига атаб мебелсозлар нақшли хонтахта тайёрлашмоқда. Унда кўҳна Самарқандининг ажойиб ёдгорликлари тасвирланади.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР ҚОЗОНДА

ҚОЗОН. «Дўстлик» деган туристик поездга тушиб, В. И. Ленин яшаган ва ишлаган шаҳарларни сайр қилиб юрган Ўзбекистон колхоз ва совхоз қурилиши ветеранларини Татаристон пойтахти азиз меҳмонлардек кутиб олди. Татаристон область партия комитетининг секретари Ф. И. Панин, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Память Ленина» колхозининг раиси Р. А. Аглиуллин, шоир Заке нурий уларни қизғин табрикладилар.

Делегация раҳбари И. Жабборов ўз нутқида бундай деди:

— Ўзбек халқи билан татар халқининг миллий ва тарихий тақдири бир-бирига ўхшаш: бизлар икки томонлама зулм остида яшаганмиз. Улуғ Октябрь социалистик революциясигина бизни озодликка чиқарган. Совет Иттифоқидаги бошқа халқлар каби бизнинг халқларимиз ҳам ўз тақдири ва турмушининг тўла ҳуқуқли ҳўжайинлари бўлиб қолдилар. Бунинг учун биз Коммунистик партиядан, унинг улуғ йўлбошчиси ва жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси В. И. Ленинидан миннатдормиз.

Ўзбекистонлик ветерадлар В. И. Ленининг уй-музейини кўздан кечирдилар, Қозон университетида бўлдилар, Шаҳар марказидаги В. И. Ленин ҳайкалига гулчамбарлар қўйдилар.

ИССИҚКЎЛДА ПАНСИОНАТ

Иссиқкўл қирғоғидаги Долинка номли хушманзара жойда бундан икки йил бурун Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг пансионати тиклана бошланган эди.

Пансионат 1000 кишига мўлжалланган бўлиб, лойиҳаси «Узгипротяжпром» институти ходимлари томонидан яратилган. Пансионат биносини тез қуриб фойдаланишга топшириш мақсадида, қурилиш уч навбатга бўлиб олиб борилмоқда.

Қурилишнинг биринчи навбати—ҳар бири 150 ўринли икки ётоқхона корпуси ва 250 ўринли ошхона фойдаланишга топширилди. Бу ерда ҳозиргача икки мингга яқин қурувчи дам олди.

Қурилишнинг иккинчи навбатида 2 та 150 ўринли ётоқхона корпуси, минерал ва шифобахш сув билан даволаш корпуслари ва ободончилик ишлари амалга оширилади. Бу бинолар келаси йили бунёдкорлар хизматига топширилади.

Пансионатнинг учинчи навбати 1972 йилда тўла ишга туширилади. Бу вақтга келиб шифобахш даргоҳда 400 бинокор ҳордиқ чиқаради, саломатлигини мустаҳкамлайди. Ошхона, концерт зали, поликлиника ва бошқа катта-кичик маданий-маиший муассасалар улар хизматида бўлади. Икки қаватли ётоқхона биноларининг ҳар бир қаватида дам олиш, душ хоналари ва бошқалар ишлаб туради. Биноларнинг томига аэрорийлар, яъни қуёш нуридан даволанадиган жойлар қуриляпти.

Пансионат территориясига 15 мингдан кўпроқ турли-туман дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш мўлжалланмоқда.

М. СУЛТОНОВ,
бинокор-инженер.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган қуйидаги оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилиб, «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғи топширилсин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

1. **Қозоқбоева** Маҳбуба—Калинин район Кўктерак қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.
2. **Комилова** Роҳат—Бекобод шаҳридаги, рўзғор ишидаги аёл.
3. **Қуролова** Олтин—Юқори Чирчиқ районн. Арганчи қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.
4. **Нурматова** Норҳол—Янгийўл районидаги, Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

1. **Абдуқодирова** Риҳсинисо — рўзғор ишидаги аёл.
2. **Орипова** Зарофат—рўзғор ишидаги аёл.
3. **Маҳкамова** Ҳакима — рўзғор ишидаги аёл.
4. **Соатова** Муяссар—рўзғор ишидаги аёл.
5. **Тўлиаева** Шарофат—рўзғор ишидаги аёл.
6. **Ҳусанова** Муяссар—рўзғор ишидаги аёл.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1968 йил 5 сентябрь.



Тошкент ГРЭСи коллективи яна бир қувончли дақиқа олдида турибди. Яқинда бу ерда 8-энергия блоки фойдаланишга топширилади. Бу, аҳил нурчиларнинг В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига навбатдаги совғаси бўлади. Суратда: ГРЭС участкаларидан бири.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Корхонамизда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш лабораториясининг ишлай бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Ҳозир бутун ишни икки йиллик план асосида олиб бораямиз. Биз 43 та муҳим тадбирни биринчи навбатда амалга оширишни кўзда тутганмиз, шундан 13 таси синовда.

Штамповка қилувчи автоматлар участкасида меҳнат унумдорлиги паст бўлиб, бу кўпдан бери корхона коллективини ташвишга солиб келарди. Бешта автоматнинг ишлаб чиқариш қуввати белгиланганидан деярли икки баробар кам эди. Эътиборимизни шу участкага қаратиб, ҳар бир смена имкониятини ҳисоблаб чиқдик. Автоматларнинг тез-тез бузилиб туриши меҳнат унумдорлигининг пасайишига асосий сабаб эканлиги маълум бўлди. Буни созловчиларга маълум қилдик. Қайси автомат нима сабаб билан бузилишини махсус карта тузиб, аниқлаб бориш топширилди. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, автоматнинг баъзи жойларини маҳаллий шароитга мослаш, электр системасини қайта кўриб чиқиш керак экан. Эндиликда созловчиларнинг шу каби маълумотлари бўйича янги тадбирлар амалга оширилиб, натижада у нормадагидан бир неча ўн килограмм кўп куч билан тортилса ҳам мустаҳкам турадиган бўлди, металл арматурани ҳожатсиз бўлмай қолди. Янгича усул туфайли ҳар йили кўпгина рангли металл иқтисод қилиб қолиш имкони туғилди.

Янги қимматли таклифлардан бири люминацион лампаларнинг бош қисми таглигини такомиллаштириш бўлди. Эндиликда бу таглик мустаҳкамланадиган жойнинг конструкцияси ўзгартирилди. Таглик винт билан маълум жойга мустаҳкамланиб, маҳкам туриши учун тагликнинг ичига темир арматурача қўйилади. Металл арматурани олиб, винт жойини тўрт миллиметр ўрнига беш миллиметргача кенгайтиришни жорий этдик, натижада у нормадагидан бир неча ўн килограмм кўп куч билан тортилса ҳам мустаҳкам турадиган бўлди, металл арматурани ҳожатсиз бўлмай қолди. Янгича усул туфайли ҳар йили кўпгина рангли металл иқтисод қилиб қолиш имкони туғилди.

Деталга бундай ўзгартиш киритганимиздан сўнг буюртмачи корхонага бу янгилик ҳақида хабар бердик, янги маҳсулотдан юбордик. Ҳамкасбларимиз бу таглик илгаригисидан анча сифатли чиққанлигини эътироф этишди.

Шу кунларда яна бир неча тадбир синаб қурилмоқда. Контактларни йиғишда янгича механизациялашган усул, таглик халқаларини мустаҳкамлашдаги тезкорлик методи ва бошқа шу каби ўнга яқин таклифни амалга ошириш арафасида турибмиз.

Биз меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ишларини бутун корхона бўйлаб кенг ёйиш, ишчи, инженер-техник ходимларимизнинг эътиборини бу ишга жалб қилиш учун ҳаракат қиляпмиз, ўз соҳаларн бўйича бўлимларга, цехларга топшириқлар берямиз. Меҳнат унумдорлигини ошириш, вақтдан унумли фойдаланиш, ҳомашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш йўлида корхонамизнинг ҳар бир аъзоси ўз хиссасини қўшиш учун астойдил курашмоқда.

В. ИВАНОВ,
Тошкент пластмасса буюмлари заводи меҳнатни илмий асосда ташкил этиш лабораториясининг бошлиғи.

100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МАДҲИЯСИ

... Революцияни қўриқлаш учун Россия жанубига сафарбар этилган броневиклар С[illegible]альонининг солдатлари, қизил гвардиячилар пешидан сўнг Михайлов манежига тўпланишди. Улар орасида фабрика - заводларнинг ёш ишчилари ҳам, тажрибали, революцион онгли солдатлар ҳам бор эди. Улар доҳийни кутишарди.

Ниҳоят, Ленин тушган машина манежга кириб келди. Ленин тезда броневикка кўтарилиб, солдатларга мурожаат қилди.

Шундан сўнг Вильямсни броневик устига таклиф этишди. Солдатлар жим қолишди, Вильямс эса нима дейишини билолмай қолди. У шу кунгача етти ой Россияда яшаганди, лекин рус тилида бир неча революцион ибораларнигина дурустроқ ёддан биларди, холос. Шунда унинг аҳволини тушунган Ленин Вильямга дейди:

— Сиз инглизча гапираверинг, мен ижозатингиз билан сўзларингизни таржима қилиб бераман.

Вильямс аввалига бу таклифга рози бўлмай, йўқ, русча гапираман, дейди. Лекин, ўрганиб олган бир неча оғиз сўзни айтишдан нарига ўтолмайди.

Шунда Ленин унга далда бериб, нутқ давомида Вильямсга у билмаган русча сўзларни таржима қилиб беради. Вильямс солдатларга рус тилида хитоб қилиб, агар сизнинг мамлакатингизга бостириб киришса мен сизлар билан уни ҳимоя қиламан, деганида Ленин бу сўзларни мамнунлик билан кутиб олди.

Шу куни Вильямс ғоят похуш воқеанинг ҳам гувоҳи бўлади.

«Биз хайрлашдик, деб хотирлайди у, Ленин автомобилга ўтирди ва машина манеждан чиқиб кетди. Биз оломон билан бирга оҳиста чиқиб кетаётган эдик бирдан кўча томондан уч марта кескин ўқ товушини эшитдик. Уччала ўқ автомобиль деворини ёриб ўтди. Ленин билан орқа ўриндиққа ўтирган швейцариялик сўл социалист Фриц Платтен қўлидан яраланибди. Бу — Ленин ҳаётига биринчи суиқасд эди...»

Вильямс бу ўринда Лениннинг сафдошларидан бири Петерснинг қуйидаги сўзларини эслайди: «Ленин бу — Ленин, у асаби заиф одамлардан эмас. У бошқача яралган одам. У бошқалар ҳақида ташвиш қилади-ю, лекин бунда ўзи асабийлашмайди, балки хайриҳоҳ бўлади... Ленин ҳеч қачон ўзи ҳақида ўйламайди. Мана кўрасиз, келаси гал у билан учрашганингизда у ҳамиша бўлганидек хотиржам бўлади».

Вильямс революция доҳийси билан бундан кейин ҳам бир неча марта учрашган. Бу учрашувларида у Ленининг ҳамиша меҳнаткаш халқ билан, унинг орзу ва ўйлари, кундалик ташвиши ва ишлари билан яшаганлигига алоҳида эътибор беради.

«Ҳамма буюк одамлар сингари, дейди у, Ленин ҳатто энг қолоқ, саводсиз кишининг сўзларини ҳам жон-дили билан эшитарди, бу ҳар ҳолда унга кўп нарса берарди. У жуда хилма-хил одамлардан, хилма-хил жойлардан олган ўз маълумотларини кенгайтирарди. У пухталик билан минглаб фактларни тўплар, уларни ўйлаб кўрар, торозуга солар, солиштирар ва таҳлил қиларди... Сибирлик деҳқон, қизил армиячи ёки Дон казаги нимани ўйлаётгани, уларнинг ҳислари унга тўла равшан эди. У Путилов заводининг пўлат қуювчиси, волгалик ҳаммол ва москвалик тўқувчи аёлнинг фикрларига чуқур кириб, уларнинг ўй-ниятларини билиб оларди».

Альберт Рис Вильямс Ленин билан 1918 йил апрелида Кремлда хайрлашди.

Совет Россиясига нисбатан шу дастлабки сафарда қалбида уйғонган зўр меҳр-муҳаббат алангаси унинг бутун ҳаёти давомида порлаб турди. У ўз ватани — узоқ Америкада ҳам янги Россиянинг жўшқин тарафдори ва тарғиботчиси бўлиб қолди.

1922 йилда Вильямс Россияга келди. Шу ерда ўйланиб, то 1927 йилгача Россияда яшади. Кейинчалик, биринчи беш йиллик даврида учинчи бор мамлакатимизга келди. 1932 йилда «Молодая гвардия» нашриётида унинг энг буюк зот Ленин ҳақидаги хотиралар китоби нашр қилинди. 1937—1938 йилларда у яна дунёда биринчи социалистик мамлакатнинг меҳмони бўлиб турди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса А. Р. Вильямс «Урушдаги Россияга ёрдам фонди» учун Канада шаҳарларида мамлакатимиз ҳақида неча ўнлаб лекция ва суҳбатлар уюштириб, Советлар мамлакати ҳақидаги ҳақиқатни кенг тарғиб қилди. 1943 йилда АҚШда унинг «Руслар» деган китоби босилиб чиқди.

Урушдан кейинги йилларда бутун Ғарб мамлакатларида дунёда биринчи социалистик давлатга нисбатан «совуқ уруш» сиёсати тамомила ҳукмрон бўлган даврда Альберт Рис Вильямс мамлакатимизга аввалгидек содиқ қолди. «Совет Иттифоқининг дўсти бўлган ёзувчи учун капиталистик мамлакатда ишлаш қанчалик оғир!» — деб ёзган эди у шу даврда.

1959 йили Вильямс Москвага онласи билан келишга муваффақ бўлди. Яна эски қадрдон дўстлари билан учрашди, янги ёш дўстлар орттирди. Уларга ўзи гувоҳ бўлган Октябрь революцияси кунлари ҳақида, Ленин ҳақида ўз хотираларини қайта-қайта сўзлаб берди. Бу унинг сўнгги бор СССРга келиши эди.

Ленин орзулари мамлакатимизда амалга ошаётганининг гувоҳи бўлган Альберт Рис Вильямс ватанига қайтгач, саломатлиги ёмонлашганига ҳам қарамай, Ленин ва унинг сафдошлари, Октябрь революцияси ҳақидаги хотиралар китобини ёзиш учун бутун кучини сарфлади.

«Биз Америкага ва бутун дунёга Улуғ Октябрь революцияси тўғрисида ҳикоя қилиб бериш ҳақидаги ўз ваъдамизни бажардик».

Мамлакатимизнинг содиқ дўсти Альберт Рис Вильямс бу сўзларни айтишга тамомила ҳақли эди.

И. СУЛТОНОВ.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЧЕХОСЛОВАКИЯДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

Кейинги кунларда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми билан Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳукумати актуал сиёсий масалаларни муҳокама қилишга бағишлаб мажлислар ўтказдилар.

Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми ҳамма бошланғич партия ташкилотларига мактуб билан мурожаат қилди. Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, Марказий Комитет Президиуми ўз мактубида «сиёсатда уюшқоқликдан ташқарига чиқиб кетишга қарши, турли масъулиятсиз тенденцияларга қарши, январь пленумидан кейинги сиёсатни ва Москва битимларини хавф остида қолдириш йўлидаги уринишларга қарши чиқади».

Прагада миллий фронтга кирувчи партиялар ва ташкилотлар вакилларининг мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Шу мажлис қатнашчилари президент Л. Свободага мактуб юбориб, уни тўла қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар.

Чехословакия Компартияси Марказий Комитетида Чехословакия Компартияси область ва шаҳар контроль-ревизия комиссиялари раисларининг кенгаши ўтказилди. Марказий контроль-ревизия комиссиясининг раиси М. Якеш ҳозирги аҳвол ва марказий контроль-ревизия комиссиясининг вазифалари тўғрисида доклад қилди. «Комиссия,— дейилади шу кенгаш тўғрисидаги ахборотда, — сўз билан ишнинг бирлиги принципларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаберади, Чехословакия Компартияси Марказий Комитети август пленуми қарорларининг ва Москва музокаралари хулосаларининг изчиллик билан бажарилишини контроль қилаберади».

Чехословакия Социалистик Республикасида янги тузилган матбуот ва ахборот масалалари билан шуғулланувчи бошқармаларнинг хабар беришича, Чехословакияда қундалик газеталарни нашр этиш яна бошлаб юборилди ҳамда ҳафталик органларни ва бошқа даврий матбуот органларини нашр этиш учун шарт-шароит вужудга келтирилди. Бошқарма, тегишли тарзда рўйхатдан ўтказилмаган нашрлар нолегал нашрлар ҳисобланиб, Чехословакия Социалистик Республикасининг амалдаги қонунларига биноан таъқиб этилади, деб тушунтирди. Афтидан, бу чора оммавий ахборот воситалари фаолиятида зарур тартиб ўрнатиш ва бу воситалардан социализм ишига душманлик мақсадида фойдаланишга йўл қўймаслик учун кўрилган бўлса керак.

Лекин, шундай бўлса ҳам, яна ўз ишини бошлаб юборган баъзи матбуот органлари Чехословакия Компартияси Марказий Комитети билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг ҳозирги йўлига хилоф равишда социализмга қарши позицияни тутмоқда. Масалан, шимолий Моравия областидаги «Нове свобода» газетаси иттифоқчи социалистик мамлакатларга адоватни авж олдиришга мўлжалланган материалларни мунтазам равишда босиб чиқармоқда.

Чунончи, шу газета яқинда социалистик мамлакатларнинг чехословак халқига ёрдам бериш тўғрисидаги қарори — уларнинг «таъсир доирасини бўлиб олиш» тўғрисида АҚШ билан тил бириктириши натижаси бўлди, деб империалистик пропаганда ва унинг Пекиндаги ҳамфикрлари тўқиб чиқарган мудҳиш уйдирмани такрорловчи мақолани босиб чиқарди. Бу уйдирма даъво рад қилинганлиги ҳаммага маълум. Лекин, «Нове свобода» газетаси шу даъволарга яна ўз саҳифаларидан ўрин бермоқда.

Ана шундай ошкора душманлик руҳидаги мақолалар билан бир қаторда Чехословакиядаги баъзи матбуот органлари, шу жумладан марказий газеталар ҳам шундай руҳда бўлса ҳам, лекин бирмунча ниқобланган мақолаларни эълон қилмоқда. Рейтер агентлиги 4 сентябрда ёзганидек, бу матбуот органлари «ўзларининг ниятларини синчиклаб, силлиқлаб чиқармоқдалар».

Башарти, ана шундай усулларни қўлланаётганлар ўзларининг найрангларини ҳеч ким сезмай қолади, деб ўйлаётган бўлсалар, жуда янглишадилар.

Чехословакиядаги вазиятни нормаллаштиришда матбуотнинг роли жуда катта, шу сабабли унинг масъулияти ҳам катта. Чехословакия Социалистик Республикасининг механиткашлари матбуот ва оммавий ахборотнинг бошқа воситалари чиндан ҳам ҳалол кишиларнинг қўлига топшириб қўйилади, бу воситалар социализм ва қардош мамлакатлар ўртасида дўстлик манфаатларига хизмат қилдириладиган бўлиб қолади, деб умид қилишга ҳақлидирлар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, капиталистик мамлакатларнинг матбуоти Чехословакия матбуотидан халққа қарши, социализмга қарши мақсадлар йўлида фойдаланишга уринаётган унсурларни ҳар томонлама рағбатлантирмоқда. Шу билан бирга капиталистик мамлакатларнинг матбуотлари ана шу унсурларга турли-туман уйдирмалар ва сохта гапларни тўқиб бермоқда. Масалан «Нью-Йорк Таймс» газетаси Москвадаги музокаралар хусусида гўё Прагада ўтказилган «инструктив кенгаш»нинг ёлғон «стенографик ёзуви»ни саккизинчи сентябрда эълон қилди. Бу сохта-корлик музокараларнинг моҳияти ва аҳамиятини бузиб кўрсатиб, шу тарзда иттифоқчи мамлакатларга душманлик муносабатини вужудга келтириш мақсадини кўзлайди.

Чехословакия Социалистик Республикасидаги ўз масъулиятини англаётган партия ва давлат ходимлари социализмга қарши кучларнинг ҳаракатларидан ва уларнинг ажнабий ҳомийлари қилаётган ишлардан ҳақли равишда ҳавотир олмоқдалар. Область, район ва шаҳар миллий комитетлари раисларининг умум Словакия кенгашида жумладан ана шундай ҳавотирлик изҳор қилиниди. Ҳозирги вазиятдан халққа қарши унсурлар фойдаланиб қолишига йўл қўйиш мумкин эмаслиги шу кенгашда таъкидлаб ўтилди. Жиноятчи унсурлар билан ноговарларга қарши чоралар кўриш ҳавфсизлик органларининг энг муҳим вазифаси эканлиги ўша кенгашда кўрсатиб ўтилди.

ТАСС, 9 сентябрь.

БТА АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

СОФИЯ. (ТАСС). БТА агентлиги хабар беради. Мамлакатнинг шарқий қисмида ва Қора денгиз акваториясида 26 августдан 6 сентябрга қадар Болгария халқ мудофаа министри раҳбарлигида оператив-тактика машқлари ўтказилди. Болгария халқ армиясининг 1968 йилда оператив тайёргарлик планига мувофиқ бу машқда штаблар ва ҳарбий бўлинмалар қатнашди.

Машқда қатнашган командирлар ва штаблар мураккаб вазиятда қўшинларни узлуксиз бошқара олиш маҳоратини кўрсатдилар. Ҳар хил қўшин турларининг шахсий состави қуролни аъло даражада эгаллаб олганлигини ва жисмоний жиҳатдан яхши тайёрланганлигини намойиш қилди.

Бу машқлар Болгария халқ армияси қисмлари, қўшилмалари ва штабларининг жанговар тайёргарлиги юксак даражада эканлигини ҳамда коммунистик партия ва Болгария халқ ҳукуматининг ҳар қандай топшириқни бемалол бажара олишини яна бир марта кўрсатди.

* * *

СОФИЯ. (ТАСС). Кеча Варнада, дейилади БТА агентлигининг хабарида, эритиб пайвандлашга бағишланган халқаро конференция тугади. Конференция ишида СССР, Венгрия, Болгария, Польша, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Австрия, Бельгия ва Швейцариядан келган 300 дан кўпроқ олим ва мутахассис қатнашди. Конференцияда 30 та доклад ўқилди.

ЖАНГОВАР МУВАФФАҚИЯТЛАР

ХАНОЙ, 8 сентябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучларининг Тайнинь вилоятида ҳаракат қилаётган отрядлари 31 сентябрда Америка қўшинларининг йирик автоколонналарини тор-мор келтириш юзасидан муваффақиятли операция ўтказдилар. Ватанпарварлар дадил ҳужум қилиб душманнинг 14 танки ва бронетранспортерини шикастлантирдилар ва яксон қилдилар, бронетранспортерларга тушган кўпгина американлик солдатларни сафдан чиқардилар.

Вьетнам информация агентлиги Озодлик агентлигининг маълумотларига асосланиб хабар беради: Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучларининг Биньлонг вилоятида ҳаракат қилаётган отрядлари 10 кун ичида, 18 августдан 27 августгача олиб борган жанговар операциялари вақтида душманнинг қариб 2 минг солдат ва офицерини ўлдирганлар ва ярадор қилганлар, қариб 100 жанговар машинасини, шу жумладан 80 танк ва бронетранспортерини яксон қилганлар ва шикастлантирганлар, душманнинг 10 самолёт ва вертолётини осмондан уриб туширганлар ва ердаги машиналарини шикастлантирганлар.

БУНДЕСВЕРДАН ҚОЧМОҚДАЛАР

БЕРЛИН. (ТАСС). АДН агентлигининг хабарида айтилишича, кейинги ҳафталарда Ғарбий Германия Бундесверининг ҳарбий хизматчилардан кўпгина кишилар Германия Демократик Республикасига қочиб ўтган. Булар орасида ҳар хил қўшин турларининг, асосан Баварияда, Баден-Вюртембергда ва Гессенда жойлаштирилган ҳарбий қисмларнинг солдатлари ва кичик командирлари бор.

Совет Армияси қўшинларининг Польша Халқ Республикаси жанговарлари билан учрашув пайти.
В. Соболев фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

● ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ ва уруғчилиги илмий-текшириш институтида пахтачилик лабораторияларида ишлатилаётган турли асбоблар виставкаси очилди. Суратда: (юқорида) инженер конструктор Владислав Добжинский (чапдан биринчи) виставка қатнашчиларини лабораториядa ишлатиладиган асбоблар билан таништирмоқда.

● ТОШКЕНТДА суғорилади ган ерлар гидрогеологиясини ўрганиш халқаро семинари иш бошлади. Семинар ишларида Жазоир, Венгрия, Греция, Конго (Браззавиль), Нигерия, Руминия, Того, Тунис, Сенегал мамлакатларидан вакиллар қатнашмоқда. Суратда: (пастда) семинар қатнашчилари геология-минералогия фанлари доктори Давид Кац (Москва) билан суҳбатлашмоқдалар.

А. Горокрик фотолари (ЎзТАГ).

ЯШИЛ БОЙЛИКНИ САҚЛАЙЛИК

Ўрмончилик хўжалиги халқимизнинг битмас-туганмас бойликларидан бири. У хўжалик экономикамизни ривожлантириш, шаҳарларимиз ҳусниини янада кўркамлаштиришда салмоқли ўрин тутади. Шундай экан, ана шу яшил бойлигимизни авайлаб сақлашимиз керак.

СССР Министрлар Совети ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу йил май ва июль ойларида қабул қилган қарорлари ҳам умумхалқ бойлиги — ўрмончилик хўжалигини ёнғин ва ҳар хил зарарли касалликлардан сақлашга қаратилган.

Хўш, бу қарорлар хўжаликларимизда қандай амалга оширилмоқда?

Очиқ эътироф этиш керакки, областимизда халқ бойлиги бўлган ўрмончилик хўжаликларини ёнғин ва турли зарарли касалликлардан сақлашдек муҳим вазифа кўнгилдагидек амалга ошмаяпти. Бу соҳада бепарволик ва совуқконликка йўл қўйилмоқда. Бекобод, Оҳангарон ва Чирчиқ ўрмончилик хўжаликларида, Оқчин овчилик хўжалигида ёнғин чиқиш ҳоллари ҳам юз берди.

Областимиздаги айрим колхоз ва совхоз хўжалиги раҳбарлари ёнғинга қарши ҳавфсизлик қоидаларини бузадилар, иш жойларида ёнғин чиқишига сабаб бўладиган нуқсонларни тугатиш чораларини ўз вақтида кўришмайди. Бундай раҳбарларнинг нотўғри кайфияти ўрмончилик хўжалигини ёнғиндан сақлашда жуда қимматга тушмоқда. Область ўрмончилик хўжалиги бошқармаси, район хўжалиги раҳбарлари эса бу соҳада яхши контроллик олиб боришмаяпти. Оқибатда шу йилнинг ўтган ярим йилида Оҳангарон ўрмончилик хўжалигида 8 гектар, Чирчиқ хўжалигида эса 60 гектар жойдаги ўрмонзорда ёнғин чиқди.

Шунингдек, ўрмончилик хўжалигини зарарли касалликлардан муҳофаза қилиш ишлари ҳам кўнгилдагидек ташкил этилмаган. Ўрмонзорларни муҳофаза қилишда механизациядан жуда ёмон фойдаланилган. Шуниси ачинарлики, Бурчмулла ва Чирчиқ ўрмончилик хўжаликларида механизация ёрдамида бажарилиши мумкин бўлган кўпгина ишлар ҳозир қўл кучи зиммасига юклаб қўйилган.

Айрим ўрмончилик хўжаликларида муҳофаза қилиш ишига ўта совуққонлик билан қараш ҳоллари ҳам учрамоқда. Ҳаттоки, тайёр заҳарли химикатларни ўз вақтида ишлаб олиш тўғрисида қайғуришмайди. Бу ўрмончилик хўжалигини ривожлантириш ва касалликлардан сақлашда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Яшил бойлигимизни ёнғин ва турли зараркунандалар, касалликлардан асраш, ундан, халқ хўжалигини ривожлантиришда ўринли фойдаланиш ҳар бир ўрмончилик хўжалиги ходимининг асосий бурчидир.

А. ШАЙХОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

МЕҲНАТ УЛУҒЛАГАН АЁЛ

Анна Иванова бугун ҳам фермага ҳаммадан илгари келди. У сут соғувчилар хонасига кириб, оқ халатини кийиб олгида, ўз боқимидаги сигирлар ёнига борди. Сигирларни соғишдан олдин унга эрталаб озуқа солинганми, йўқми, шуни кўздан кечирди.

Сигир соғар экан, ҳаёл уни узоқларга олиб кетди. У фермага ишга келгач, сут соғувчи Рая Казначеевага шогирд тушди. Ушанда фермадаги ишларнинг 90 процентдан ҳам ортиғи қўлда бажариларди. Бу аҳволда чорвадан қандай фойда кўриш мумкин?

Бир куни у бош зоотехник А. Д. Нюгайга ўз мулоҳазаларини айтди:

— Бундай аҳволда биримиз иккі бўлмайди. Қачонгача ҳамма ишни қўлда қиламиз. Фермани бинои ярамай қолган. Янгисини қуриш керак. Механизацияни ишга солиш зарур. Фермада иш яхши кетса, сигирлар зоти яхшиланса, кетган харажатларнинг ўрни қоплаб юборилади.

Анна Иванованинг гапи зоотехникка таъсир қилди шекилли, у ферма мудири ёнига кириб кетди. Мудир бу масалани правление йиғилишига қўйди. Хуллас, янги ферма биноси қуришга қарор қилинди.

Мана, орадан тўрт йил ўтди. Ўтган йили ферма учун янги бино қуриб битказилди. Унга 200 бош сигир сиғади. Бажариладиган ишларнинг кўпи механизациялашди. Молларнинг тагини тозалаш, суғориш, ем-хашак солиш каби қатор ишлар механизация воситасида бажарилаяпти. Шуниси қувончлики, бу ишларни бир киши бажаряпти.

Ўтган тўрт йил давомида Анна янги касбни миридан-сиригача ўрганиб олди. У маҳаллий зотли сигирлардан кўплаб сут соғиб олишнинг устаси чиқиб қолди. Ўтган йили 22 бош сигирнинг ҳар биридан пландаги 1300 ўрнига 2000 литрдан сут соғиб олди. Бу ютуққа у соғин сигирлар қаровини яхшилаш, сут соғувчиликдаги илғор усуллардан фойдаланиш эвазига эришди.

Колхозга дастлаб шогирд бўлиб келган Анна эндиликда фермaнинг катта сут соғувчиси. Ў қисқа муддат ичида Галя Бережная, Клара Шапочникова сигирлар шогирдлар тайёрлади. Ҳозир улар ҳам 15—16 бош сигирни мустақил соғишмоқда.

Аннага бу йил ҳам 22 бош соғин сигир бириктилган. Маҳаллий зотли сигирларнинг ҳар биридан 2100 литрдан сут соғиб олиш — унинг бу йилги аҳди. «Победа» колхозининг катта сут соғувчиси Анна Ивановани эндиликда бутун район таниди. У ҳалол хизматлари эвазига район партия комитетининг «Ҳурмат тахтаси»дан ўрин олган.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
Оққўрғон райони.

Янгиликлар, хушхабарлар

АЛОҚА БЎЛИМЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимизда алоқа бўлимлари иши йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда, янги-янги алоқа бўлимлари ташкил этилмоқда. Шу кунларда уларнинг сони 165 тага етказилди.

Эндиликда кўпгина массивларда аҳолига почта-телеграф хизмати кўрсатиш ишлари ҳам яхшиланяпти. Шаҳримизнинг 15-кварталида, Черданцев массивида ва Марказ—13 кварталида янги алоқа корхоналари яқинда иш бошлайди.

Қорақамиш массивида очилган янги почта бўлими эса аҳолига намунали хизмат кўрсатиб, аҳолидан ҳар куни ўнлаб посилка, хат, телеграмма қабул қилмоқда. Яқин кунларда массив аҳолиси телефон орқали гаплашиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Пойтахтимизда биринчи марта автомат алоқа бўлими очишга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳозир барча зарур механизмлар йиғилмоқда. Автоматалоқачи шаҳримизнинг марказий қисмига ўрнатилади. Демак, ходимлар ўрнини автоматлар эгаллайди, аҳолига хизмат кўрсатиш муддати анча тезлашади.

ҚАРДОШЛАРГА ЁЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

Бу йил пойтахт областимизнинг хўжаликларида кўплаб қовун-тарвуз, турли мевалар, ҳар бир донасидан бол томадиган узумлар кўплаб етиштирилди.

Ана шу маҳсулотларнинг бир қисми шаҳар меҳнаткашларига юборилаётган бўлса, қолгани мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги қардошларимиз дастурхонига ҳадя этилмоқда.

Ҳар куни областимиз деҳқонларининг меҳнатлари эвазига бунёд этилган ўнлаб вагонларда Куйбишев, Новосибирск, Омск каби шаҳарларга қовун-тарвуз жўнатиляпти. Тошкент аэропортининг транспорт самолётлари ҳар куни юзлаб тонна шафтоли, олма, узумларни ҳаво йўллари орқали қатор шаҳарларнинг савдо тармоқларига элтиб бермоқдалар.

Қибрай ва Дўрмон узумларини Узоқ Шарқ аҳолиси тотиб кўраётган бўлса, ҳар бири 200—300 грамм келадиган шафтолилар сибирликлар дастурхонини безамоқда.

БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИ

Республикамиз пойтахтида юзлаб болалар боғча ва яслилари ишлаб турибди. Уларда меҳнаткашларнинг 10 мингдаб фарзандлари тарбияланмоқда.

Шунга қарамай мактабгача болалар муассасаларига бўлган эҳтиёж тинмай ортиб бораётир. Шунинг учун ҳам болалар боғча ва яслилари қурилиши кенг кўламда олиб бориляпти.

Тошкентнинг Чилонзор, Октябрь, Киров, Ҳамза ва бошқа районларида яқин кунлар ичида 18 та болалар комбинати фойдаланишга топширилади.

Ҳозир жажжи ўғил-қизлар учун барча шароит мавжуд бўлган бу муассасалар қурилишида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётир. Ҳар бири 280 ўринли, аксарияти кўпқаватли бўлган бу боғча ва яслилар, 5 мингдан ортиқ кичкинтойларни ўз қучоғига олади.

ХИЁБОНЛАР, ГУЛЗОРЛАР

Тошкентимизда нима кўп, хиёбонлар, гулзорлар кўп. Шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг ходимлари пойтахтимиз гулзорларини кўпайтириш ва кўркам қилиш ишларини кенг кўламда давом эттириб, 1 миллион 353 дона ўрнига 1 миллион 440 минг турли хил гул кўчатлари ўтқазадилар.

Ўрда кўпригидан бошлаб Анҳорнинг икки қирғоғи, Энгельс кўчаси, шунингдек, Шайхзода, Лоҳутий кўчалари, аэропорт майдонлари гулзорлаштирилди. Бир қанча хиёбонлар ташкил этилди.

Чилонзорнинг 24-квартали атрофлари, ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг биноси атрофи, Карл Маркс кўчаси ҳам, ҳозир гулзорлаштириляпти.

Йил охиригача шаҳримизда яна бир неча миллион дона гул ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади.

Тошкентдаги Максим Горький номли рус драма театрида яқинда «Севги дардида» деган спектаклнинг премьераси бўлди. Суратда: спектаклдан кўриниш.

Л. Глауберзон фотоси.

ФУЧИКНИНГ ОТАШИН СЎЗИ

Бундан 25 йил муқаддам, 1943 йил 8 сентябрда Чехословакиянинг миллий қаҳрамони, коммунист —ёзувчи, фашизмга қарши мард курашчи Юлиус Фучик Гестапо зиндонида қатл қилинган эди. Фучикнинг сўзлари ҳозирги кунда ҳам реакция кирдикорларига қарши курашга даъват қилмоқда.

Дунёдаги энг китобхон мамлакат бўлган СССРда Фучикнинг китоблари жуда кўп нусхада нашр этилган. Унинг зиндонда ўтириб ёзган ўзига хос васият китоби «Қатл олдидаги сўз» деган машҳур асари СССРда бир ярим миллион нусхада 62 марта нашр этилди. Фучик ўзининг шу китобида: «одамлар, мен сизларни севар эдим, ҳушёр бўлинглар! деб хитоб қилган эди. Ю. Фучик асарлари жами бўлиб СССР халқларининг 36 тилида салкам уч миллион нусха нашр этилган.

(ТАСС мухбири).

„ЁШ ГВАРДИЯ" ТЕАТРИ

Ленин комсомолининг шонли юбилейига кўпгина муносиб ижодий совғалар тайёрланмоқда. Шошли юбилей арафасида Тошкентда «Ёш гвардия» ёшлик театри ишга тушади.

Пойтахтдаги бу кенжа томошахона комсомол ёшлар театри деб ном олди. «Ёш гвардия» коллективи Ҳамза номли театрнинг эски биносида ўз фаолиятини бошлайди.

Театрнинг ижодий репертуари ранг-баранг бўлади. Ёш драматург Максим Каримовнинг «Дийдор» номли пьесаси театр коллективи тайёрлайдиган биринчи спектакллардан.

ҲИНД ФИЛЬМЛАРИ

Ҳиндистонлик машҳур киноактриса Наргис иштирок этган бадиий фильмларини мароқ билан томоша қилгансиз. Актриса ўзига тошширилган ролларни тўлақонли ва ҳалжон билан ижро этган.

Ҳиндистонлик кинематографчилар яқинда «Тун ва кун» номли янги экран асарини яратдилар. Фильмдаги бош ролини севимли киноактриса Наргис ижро этди. Бу — унинг етти йиллик танаффусдан сўнг яратган кейинги образларидан биридир. Кино санъати ходимлари, қолаверса томошабинлар бу образни актриса ижодий фаолиятининг чўққиси деб баҳоламоқдалар.

Шуниси қувончлики, «Тун ва кун» номли ҳинд фильми Осиё ва Африка мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали программасига киритилади.

Шунингдек, Тошкент фестивалида «Чарулата», «Балогатга етмаган куёв», «Пул ва туйғу» каби ўнга яқин ҳинд фильмлари намойиш этилади.

НАВОИЙ КУЛЛИЁТИ

Буюк мутафаккир Алишер Навоий 15 томлик асарлар тўпламининг нашри ниҳоясига етай деб қолди. Энг сўнгги том яқин кунларда Навоий мухлисларининг қўлига бориб тегади.

15 томлик бу куллиёт Навоий меросини халққа ва фанга тақдим қилишда ва уни ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга. Агар шу вақтга қадар Навоий асарлари инқилобгача босилган литографик нашрлар ва кейинги асрда кўчирилган қўлёзмалар асосида нашрга тайёрлаб келинган бўлса, 15 томлик тўплам қадимий манбалар бўйича олиб борилган энг сўнгги изланишлар натижасидир. Ундаги асарлар илмий-танқидий текстлар асосида тайёрланди.

Бизга маълумки, Навоийнинг ҳам илмий ва адабий мероси қўлёзма ҳолида етиб келган. Унинг асарлари шоир тириклик вақтидаёқ ўша даврнинг буюк ҳаттотлари Султон Али Машҳадий, Заррин қалам Абдулжамил, Дарвеш, Муҳаммад Тоқий, Муҳаммад бин Нур, Султон Муҳаммад Хондонлар тарафидан оққа кўчирилган. Шоир вафотидан кейин ҳам ўтган тўрт аср жараёнида унинг асарлари Шарқнинг жуда кўп ўлкаларида минглаб нусхаларда кўчирилганлиги совет ва чет эл олимларига маълум. Бу мўъжатабар қўлёзмалар ҳозирги вақтда дунёнинг барча бурчакларида — Европа ва Осиёдаги, Африка ва Америкадаги қадимги Шарқ қўлёзмалари фондларида сақланмоқда.

Навоий асарлари асрлар давомида бир-биридан кўчирила бериб, айрим нуқсонлар, хилма-хилликлар келиб чиққан. Булар илмий-текшириш ишлари олиб боришда албатта қийинчилик туғдиради. Шунинг учун навоийшунослар олдида Навоий асарларининг автор редакцияси —илмий танқидий текстни тузиш вазифаси турарди. Бу соҳада совет филолог-текстолог олимлари катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Навоий меросининг илмий-танқидий текстларини тузиш ишлари қирқинчи йилларда бошланган бўлсада, унинг беш юз йигирма беш йиллик юбилейи муносабати билан янада кенгайтирилди. Шундай қилиб, ҳозиргача Навоийнинг йигирмага яқин асарларининг илмий-танқидий текстлари яратилди. Мазкур илмий-танқидий текстлар шоирнинг 15 томлик куллиётига асос қилиб олинди.

Ғафур Ғулом номли бадиий адабиёт нашриёти босиб чиқараётган 15 томлик мажмуа Навоий асарларининг асосий кўпчилигини ўз ичига олади ва шу вақтгача босилган оммавий нашрларнинг энг мукаммали ҳисобланади.

Биринчи тўртинчи томлардан Навоий лирик даҳосининг маҳсули «Ҳазоиин ул-маоний»нинг тўрт девони: «Ғаройб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадое ул-васт», «Фавоид ул-кибор» ўрин олган. Уларни машҳур навойшунос-текстолог, филология фанлари доктори профессор Ҳамид Сулаймон нашрга тайёрлаган.

Навоий «Хазоин ул-маоний»га ёзган машҳур дебоча (сўзбоши)сида таъкидлашича, ёшликдан бошлаб ёзган барча шеърларини тўплаб, девон тузиш учун ўзининг буюк устози Абдураҳмон Жомий билан кенгашади. Жомий Навоийга барча шеърларини тўрт девон қилиб тузишни маслаҳат беради. (Шарқ адабиётида биринчи марта тўрт девон тузган буюк ҳинд шоири Хисрав Деҳлавий эди). Навоий Жомийнинг маслаҳатларидан кейин ўз шеърларини тўплайди, Ҳуссайн Бойқаронинг умумий таҳрири (назоратидан ўтказиб 1491—1498 йиллар орасида поэзиянинг буюк қомуси бўлган тўрт девондан иборат «Хазоин ул-маоний» китобини тузади. Китобга ном қўйиш хусусида шоир шундай дейди:

Бу баҳрки, ганжлар маконн,
дедилар.
Ҳар қатрасин оби
зиндагоний, дедилар.
Шаҳ маҳзани табъидин
нишони, дедилар.
Ким они «Хазоин ул-маоний»,
дедилар.

«Хазоин ул-маоний» — «Поэзиянинг абадий, жонли гулдастасидир, бу борлиқни ифода қилғувчи буюк ишқнинг ва инсонийликнинг куйчиси... бўлган шоирнинг ёлқини фикрлари, ҳисларидан тўқилган ажойиб бир асар» (академик Ойбек).

Профессор Ҳамид Сулаймон узоқ жиддий текширишлар натижасида «Хазони ул-маоний»нинг дунё фондларидаги 20 та энг қадимий, мукаммал нусхалари асосида илмий-танқидий текстни тайёрлади ва 1959—1960 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг нашриётида чиқарди. Шундай қилиб, шоир тўрт девонининг асл хронологияси, ҳажми, таркиби аниқланди.

Шоир лирикасининг ўн беш томликка киритилган текстлари аввалги нашрларга қараганда анча пухта ишланган, айрим сўз, ибора ва изофаларнинг ҳозирги имлода акс эттиришдаги ноаниқликлар тузатилган. Бу борада 1—4 томларга муҳаррирлик қилган Раҳмат Мажидийнинг ҳам хизмати каттадир.

Бешинчи том икки китобдан иборат бўлиб, Навоийнинг форсий девони— «Девони Фоний»ни ўз ичига олади. «Девони Фоний» Шайх Саъдий, Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Хўжа Салмон ва замондошлар Котибий ҳамда Сухайлийларга татаббуъ (жавоб) тарзида ёзилган.

Шундай қилиб, улуг шоир ва мутафаккир Навоийнинг адабий мероси тарихда биринчи марта-ба жамулжам қилиниб, нашр этилмоқда. Шоир туғилган кунинг 525 йиллик нишонланиш арафасида унинг ўн беш жилдан иборат куллиётининг халққа ва фанга тақдим этилиши ўзбек халқининг маданий ҳаётида катта воқеадир.

М. ҲАКИМОВ,
С. АСҚАРОВ,

филология фанлари кандидатлари, Навоий номли адабиёт музейининг катта илмий ходимлари.

СОВЕТ КИЦИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

МИЛИЦИОНЕР ЖАСОРАТИ

Кайковуз суви қирғоқларни ялаб оқяпти. Сув устига ўрнатилган сўри устида кексалар чойхўрлик қилишмоқда. Атроф сокин.

Шуларга қараб аҳвол соҳилидан аста келаётган Октябрь район милиция бўлимининг капитани Рамз Турсунов эътибори бехтиёр сув ўртасида қалқиб оқиб келаётган болага тушди. Кўрди-ю, кийим-бошн билан ўзини аҳворга отди. Зум ўтмай оқиб келаётган болани қирғоққа олиб чиқиб биринчи медицина ёрдамини берди. Боланинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Олти ёшли Баҳодир Умаров Қорасарой кўчасидаги 130-уйда истиқомат қилади. У сув соҳилида ўйнаб ўтириб бехтиёр аҳворга тушиб кетган эди. Боланинг отаонаси ўз фарзандларининг халоскори милиция капитани Рамз Турсуновга минг бор ташаккурлар билдиришди.

Дарҳақиқат, Рамз Турсунов эл раҳматига муносиб йигит. У маҳаллада безориларга, ичкиликбозларга қаршн қаттиқ курош олиб боряпти. Ишдан ташқари пайтда ҳам ўз диққат-эътиборини ёшлар тарбиясига, жойларда осойишталик ўрнатишга қаратади.

Қ. МУҲАММАДЖОНОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.55—**Кўрсатишлар программаси**, 19.00—**Узбек куйлари**, 19.30 — **Декада кундалиги**, 19.40—**Телелигиликлар** (ўзбек ва рус тилларида). 20.00 — **Кўрсатишлар программаси.**

20.05 дан—**Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55—**Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 19.00—**Пионервожатийларнинг сиртқи мактаби**, 19.30 —**Сўз—ишчи синфига** (ҳужжатли фильм), 19.40—**Хўжаевлар хонадони** (ижодий портрет), 20.10—**Стюардесса** (телевизион бадиий фильм), 20.45—**Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.50—**Бир сафда**, 21.30—**А. Навоий туғилган кунинг 525 йиллиги олдидан. Навоий образи тасвирий санъатда**, 21.50—**Концерт**, 22.25 — **Тилла тиш** (бадиий фильм.)

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 20.00—**Мушунчанинг саргузашти** (болалар учун кўгирчоқ фильм), 20.30—**ВЛКСМнинг 50 йиллиги олдидан. Қорақалпоғистон ёшлари — рассом кўзи билан** («Ёшлик» студияси). 20.50—**Шахсий биринчилик** (телевизион бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 21.30 — **Сталинград қаҳрамонларига бағишланади** (ҳужжатли фильм), 21.50—**Кўнгилчан кишилар** (бадиий фильм).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IX да **Навоий Астрободда**, 12/IX да **Ўғил уйлантириш.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Лаҳма—«ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Мен бу ерда бахтли эдим — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 6 да).

Яна муҳаббат ҳақида — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 9.45 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 ва 9.45 минутда бошланади).

Қилич ва қалқон (1-ва 2-серия) — НАВОИЙ номли.

Лаҳма — «ФЕСТИВАЛЬ».

Мен бу ерда бахтли эдим — «ХИВА».

УМР ТЎЙИ

«Одам борки, одамларнинг нақшидир....» деган эди улуғ Навоий. Шоирнинг яхши ва одил одамлар хусусида ёзган бу шеърий мисраси ҳозирги кунда бахтли мисраси ҳозирги кунда бахтли кексалик гаштини сураётган Хонпошша буви ҳақида айтилгандай.

Хонпошша буви етмиш беш ёшга тўлди. Шу муносабат билан яқинда мўъатабар кексанинг хонадонига ҳамма қариндошлар, унинг фарзандлари, набира ва аваралари тўпланишди. Муҳтарам аёлни умр тўйи билан муборакбод этгани маҳалла кўйларини ғиғилди. Ҳалққа тўкин дастурхон безалди. Табаррук хонадон шодликка тўлди.

Бу ерда айтишларича, маҳалла онахонининг ёркин ҳаёти ажойиб воқеаларга бой. Айниқса унинг Октябрь районидаги «Қизил товуш» (эски номи «Сариқ ҳумдон») маҳалла хотин-қизлари ўртасида олиб борган ташвиқот-тарғибот ишлари, паранжи ташлаш, маҳалла аёллари саводини ошириш ва уларни меҳнат қучоғига тортишдаги хизматлари диққатга сазовордир.

— Менга саводни Хонпошша опамлар ўргатганлар, —дейди маҳалланинг «Ўч ғунча» кўчаси 22-уйда истиқомат қилувчи 60 ёшли Ҳожинса опа Орифжонова. —Маҳалламизда дастлаб ташкил этилган тикувчилик артелига кириб ишлаганимда ҳам мен ўқишимда ёрдамлари бўлди.

Хонпошша бувн ували-жували. Унинг икки ўғли, беш қизи, 25 набираси ва 12 чевараси бор. Улар корхоналарда, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида меҳнат қилишяпти, билим олишяпти. Катта ўғли Низомжон 5-автобаза шофери. Набиралари Баҳтиёр, Баҳодир, Шомаҳкам, Зайнобиддинлар янги Тошкент қурилишларида ишлаб, кечқурунлари олий ўқув юртларида таҳсил олишяпти. Тошпўлат ва Ҳамро Тошкент давлат университетида, Ҳабибулла ва Нафисалар Тошкент педагогика институтида билим оширишяпти.

Хуллас, мўъатабар аёлнинг ҳаёт гуллари эл-юрт хизматида ҳалол тер тўкишяпти. Улар халқдан доим раҳмат эшитишмоқда, ходис, ходис.

«Спартак» энг кўп тўп урган коллектив ҳисобланади. Ҳозир спартакчилар ҳисобида 44 та тўп бор. Киевликлар эса рақиблар дарвозасига битта тўп кам урдилар.

Ўз дарвозасидан энг кўп тўп ўтказиб юборган команда «Пахтакор»дир. Ҳамшаҳарларимиз бу соҳада «рекорд» қўйиб, 47 та тўп ўтказиб юбордилар.

Дурангларр бўйича «Зенит» командаси рекорд қўймоқда. Ҳозир бу коллектив 26 ўйиндан 11 тасини дуранг билан якунлади.

Ўғил-қизларнинг биритокарб, бири-шифокор, бири-тарбиячи ва бошқа касб эгаси.

Ўнлаб мўмин-қобил фарзандлар тарбиялаб ўстирган Хонпошша бувига барчанинг ҳаваси келади. Эл онахони ҳали тетик ва бардам. Мўъатабар онахон, яна узоқ умр кўринг, бахтиёр ва гўзал ҳаётимизда яна ширин давронлар суринг!

Тошкентдаги «Ташзаготпродоовощторг»га қарашли 29-магазин коллективи аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Суратда: илғор сотувчи Муҳаббат Насриддинова харидорлар хизматида.

М. Нуриддинов фотоси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

МАҲОРАТ ВА ОММАВИЙЛИК УЧУН

Оққўрғон райони «Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорт жамияти колхоз ва совхоз ёшлари, ўқувчилар ўртасида физкультура ва спортни янада оммалаштириш, кўплаб лаёқатли ва разрядли спотчилар тайёрлашга алоҳида эътибор берянти.

Қишлоқларда спорт тобора оммавий тус оляпти. Мусобақалар ҳамиша кескин ва жиддий кураш остида ўтади, биринчиликларни, спартакиада, баҳсларини кўплаб ишқибозлар томоша қилишади. Оққўрғон шаҳар футбол командаси «Б» класс мастерлари сафида қатнашяпти. Вотинцев номли колхоз футболчилари эса «Олтин бошоқ» кубоғи мусобақаларида муваффақиятли қатнашяпти. Бу колхоз командаси областда ғолиб келиб, республика биринчилигида қатнашиш ҳуқуқига муяссар бўлди. Бунда тренер В. Агашков, С. Замуруев, А. Идрисов сингари моҳир футболчиларнинг ҳиссаси катта. Свердлов номли колхоз футбол командаси эса область биринчилигида пешқадамлик қилмоқда.

Бутуниттифоқ қишлоқ ёшларн спартакиадасида районимиз полвонлари ҳам қатнашдилар. Область биринчилигида эса 9 штангачимиз район спорт шарафини ҳимоя қилди. Г. Пяк ўз вазнида 315 килограмм натижа билан ғолиб келди ва республика қишлоқ полвонлари анжуманида иштирок этди. Бу ерда оққўрғонлик полвон мукофотли учинчи ўринни олди.

Районда эркин ва классик кураш бошқа спорт турларига нисбатан анча кенг ривожланган. Область биринчилиги мусобақаларида полвонларимиз анчадан бери доврўг қозониб келишмоқда. Б. Филатов ва А. Кимлар республика ва Иттифоқ қишлоқ спортчилари биринчиликларида ҳам муваффақиятли қатнашмоқдалар. Б. Филатов эса мамлакат қишлоқ спортчилари мусобақасида иккинчи ўринни олди.

Яқинда Чирчиқда шоферлар ўртасида кўп-кураш бўйича ўтказилган область биринчилигида Н. Чопенко билан О. Ганиевлар ғолиб келиб, республика мусобақасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди. Н. Чопенко республика биринчилигида учинчи, Бутуниттифоқ мусобақасида эса 8-ўринни эгаллади. Бу — районимиз вакилининг катта ютуғидир.

Қўл тўпи ва волейбол командалари ҳам катта тажриба ортиришган. Улар мусобақаларда тез-тез қатнашиб, маҳоратларини намойиш этиб туришади. Командамиз область миқёсида ўтказилган биринчилигида биринчи ўринни, волейболчилар эса иккинчи ўринни эгаллашди.

Район қишлоқ ёшлари спартакиадаси «Оммавийлик ва маҳорат» шиори остида ўтди. Спортнинг оғир ва енгил атлетика, эркин ва классик кураш, волейбол, қўл тўпи, шахмат ва бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

— Районимизда спортчилар сони 6000 дан ошиб кетди, — дейди район «Пахтакор» жамияти раиси Н. Маъруфов, — кўплаб разрядли спортчилар, жамоатчи инструкторлар, спорт судьялари тайёрланди. Янги спорт иншоотлари қуриш ва мавжудларини кенгайтиришга ҳам эътибор беряпмиз. Районда спорт мусобақаларига қизиқиш катта бўлаётгани уни янада оммавий тус олдиришга ижобий таъсир кўрсатяпти. Терма командаларимиз область ва республика мусобақаларида масъулиятни ҳис қилган ҳолда қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Лекин бу кўрсаткичлар бизни сира қаноатлантирмайди. Спорт ҳар бир хонадонга кириб бориши, ҳар бир ёш йигит-қизнинг севимли машғулоти бўлиб қолиши учун, оммавийлик учун курашамиз.

Ғ. ТОЖИБОЕВ,
Оққўрғон райони.

ЧЕМПИОНАТ РЕКОРДЛАРИ

9 сентябрь куни пойтахт спартакчилари Ереванинг «Арарат» командасини қабул қилдилар ва ўйинни 3:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилдилар. Аввал Силагадзе, сўнгра Хусаинов тўп киритишди. Спартакчилар учинчи тўпни 11 метрдан уришди (Логофет). Меҳмонлар эса ўйин тугашига икки минут қолганда битта жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлдилар. Бу ғалабадан сўнг «Спартак» 26 ўйиндан 37 очко тўплади. Ҳозир бу команда йўқотилган очколар сони жиҳатидан пешқадам— киевликлардан икки очко орқада бормоқда, ходис.

СПАССКИЙНИНГ ҒАЛАБАСИ

Жаҳон чемпионлигига даъвогарларнинг иккинчи учрашувида В. Корчной оқ доналар билан ўйнади. Аввалига ташаббус унинг томонида бўлди. Аммо кейинчалик ленинградлик гроссмейстер цейтнотда қатор хатоларга йўл қўйди. Бундан Б. Спасский усталик билан фойдаланиб, иккита ортиқча сипоҳга эга бўлиб қолди. Шундан сўнг В. Корчной 42-юришда рақибини ғалаба билан табриклади. Ҳозир ҳисоб Б. Спасский фойдасига 1,5:0,5.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Винница курилиш-монтаж поезди

ТУГАТИЛАДИ

Винница курилиш-монтаж поезди билан ўзаро алоқаси бўлган ташкилотлар ҳисоб-китобларини 20 сентябргача текшириб чиқишлари керак.

20 сентябрдан сўнг шикоятлар қабул қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 54, «Украина» посёлкаси.

БИРЛАШГАН НАШРИЁТГА

жойловчилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 02782
ИНДЕКС — 6469.
№ 1944.